O'zbekiston Respublikasi
Andijon shahar
"ERKIN -AUDIT - XXI"
mas'uliyati cheklangan jamiyati

"ERKIN -AUDIT - XXI"
limited company
Andijan city
The Republic of Uzbekistan

Andijon shahar, Navoiy shox ko'chasi 33-uy, Tel/faxs: (374) 223-59-89, H/r 20208000104004480001,
ATIB Ipoteka bank, Andijon filiali, kodi 00059, INN 202613599, WWW.erkinaudit.uz mail: ekrinaudit@mail.ru

20 20 yil " 06 " июн
№ 010/A

"Андижонёгмой" Акциядорлик жамиятига

АУДИТОР ҲУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида 2013 йилнинг 7 августида 492-сон рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008 йил 7 мартида берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқукини берувчи 00262-сон лицензияси эгаси масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Erkin-Audit XXI» аудиторлик ташкилоти, Андижон шахар, Навоий шох кўчаси 33 уй, АТИБ "Ипотекабанк" Андижон бўлими, хисоб рақами № 20208000104004480001 МФО 00059, ИНН 202613599, ОКОНХ 84400, Веб-сайт: www.erkinaudit.uz, mail:erkinaudit@mail.ru , томонидан, "Андижонёгмой" Акциядорлик жамиятини билан 2020 йилнинг 20 апрел санасида тузилган 15-05/20-сонли шартномасига асосан, жамиятнинг 2019-йил учун тузилган молиявий хисоботларини 2020 йилнинг 15 май санасидан 05 июнига қадар бўлган давр мобайнида аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор , Хусанов Ш.Б. 06.02.2001 йил санасида берилган малака сертификати №00801 ва аудитор, Собиржонов Б.О 16 январ 2016 йил берилган малака сертификати №05371 томонидан хўжалик юритувчи субъект "Андижонёгмой" Акциядорлик жамиятининг Молиявий хисоботлари №1 «Баланс», №2 «Молиявий натижалар», №3 «Пул окимлари »,№4 «Хусусий капитал » дан иборат 2019 йил 31 декабр ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз "Андижонёгмой" Акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча "Андижонёгмой" Акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«Erkin-Audit XXI» МЧЖ
Аудиторлик ташкилоти директори ,аудитор
Халкоро сертификат (САР),СПБ
АУДИТОР :

Ш.Б. ХУСАНОВ

Б.О.СОБИРЖОНОВ

Андижон шахри 2020 йил 06 июн